

# Обод турмуш тарзи

**Юртбошимиз раҳбарлигида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, улар учун қулай шароитлар яратиш устувор вазифалардан бирига айланди.**

Бу борада Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

2019 йилда Тошкент вилояти аҳоли пунктларида ичимлик суви ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун қўшимча равишда 300 млрд. сўм марказлашган маблағ ажратилган.

2019 йил Инвестиция дастури доирасида “Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш” жамғармаси ҳисобидан вилоятда ичимлик суви ва канализация тизимларида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётган объектларни жорий йилда фойдаланишга топшириш

учун тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан қўшимча талаб этилаётган 41,0 млрд. сўм ажратилди.

Нурафшон, Ангрэн, Чирчиқ, Янгийўл, Олмалиқ шаҳарлари, Бўка, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Бекобод, Паркент, Пискент, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Чиноз ва Қибрай туманлари аҳолисининг ичимлик суви таъминоти ҳамда канализация тизимларини яхшилаш учун жорий йилда дастлабки ҳисоб-китобларга асосан ичимлик суви таъминоти бўйича 16 та объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 169,0 млрд. сўм ҳамда канализация тизимла-

ри бўйича 3 та объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 90,0 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Вилоят бўйича оқава сув тармоқларининг умумий узунлиги 1162 км ни ташкил этади. Ушбу оқава сув қувурларининг асосий қисми таъмирталаб, 368 км коллекторлардан 161 км қисми (44%), умумий узунлиги 794 км бўлган ички тармоқларнинг 276 км қисми (35%) таъмирталаб.

Вилоят “Сувоқава” ДУК тасарруфидаги оқава сув тозалаш иншоотларида оқава сувларни тозалашда биологик, кимёвий ва механик усуллардан фойдаланилади.

Корхона шаҳар ва туман филиалларидаги оқава сувларни биологик усулда тозалаш иншоотларининг технологик жиҳозлари барчаси техник



эскирган, яроқсиз ҳолга келган.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги қарори билан тасдиқланган асосий кўрсаткичлар дастурига кўра Осиё тараққиёт банки кредитларини жалб қилиш лойиҳаси доирасида (Фаза-3) вилоятнинг Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарларида оқава тизимини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳанинг умумий қиймати 143 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу маблағ ҳисобига Ангрен шаҳрида 25,4 км янги қувурлар қуриш, 9,8 км қисмини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Олмалиқ шаҳрида 12,9 км янги қувурлар қуриш, 49,6 км оқава сув тармоқларини реконструкция қилиш (I босқичда); Бекобод шаҳрида 9 км янги қувурлар қуриш, 9 км оқава сув тармоқларини реконструкция қилиш (II босқичда); Янгийўл шаҳрида 5 км оқава сув тармоқларини реконструкция қилиш (II босқичда) ишлари режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда дастлабки техник иқтисодий асослари тайёрланиб, дастлабки ишлар бошланган. Ушбу лойиҳа доирасида вилоятнинг юқоридаги барча шаҳарларида оқава сув тозалаш иншоотлари тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий технологиялар асосида модернизация қилиш натижасида 645 минг нафар аҳолига оқава сув хизматлари кўрсатиш яхшиланади.

2019 йил Инвестиция дастури доирасида “Янгийўл шаҳар Самарқанд кўчаси оқава сув коллекторини реконструкция қилиш” объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари “Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш” ДУК томонидан ишлаб чиқилиб, давлат экспертиза хулосаси олинган. Лойиҳанинг умумий қиймати 19,22 млрд. сўм, лойиҳа доирасида узунлиги 4,5 км бўлган оқава сув коллекторини

реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда объектда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига кирувчи “ТМЗ капитал қурилиш” МЧЖ корхонаси томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Объектда 14,1 млрд. сўм қийматда қурилиш ишлари бажарилиб, 4,4 км оқава сув коллектори ётқизилган.

“Чиноз тумани оқава сув тизимини реконструкция қилиш” объекти бўйича қурилиш-монтаж ишлари 2019–2020 йиллар давомида босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган. Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари “Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш” ДУК томонидан ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосаси олинган. Унга кўра объектнинг умумий қиймати 36,4 млрд. сўм этиб белгиланган.

2019 йил объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги “Сув таъминоти ва оқава сув тизимларини ривожлантириш” жамғармаси ҳисобидан 10,0 млрд. сўм маблағ ажратилган.

“Сув таъминоти ва оқава сув объеклари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК буюртмасига асосан жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 3,6 млрд. сўм миқдорида қурилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 1,6 км оқава сув коллектори ётқизилиб, 48 дона кузатув қудуқлари ўрнатилган.

Бундан ташқари, 2020 йилда қолган 2,1 км оқава сув коллекторини ётқизиш, 1 дона оқава сув насос станциясини қуриш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган қуввати кунига 2 000 м<sup>3</sup> бўлган локал оқава сув тозалаш иншоотини қуриш ишларини амалга ошириш ҳамда объектни тўлиқ фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ушбу ишлар

амалга оширилиши натижасида Тошкент вилоятининг Чиноз тумани марказининг санитар-эпидемиологик, экологик ҳолати яхшиланиб, туман марказида яшовчи 13 мингга яқин аҳоли марказлашган оқава сув тизимига уланиш имконияти пайдо бўлади.

Барча лойиҳалар бўйича вилоят ҳокимлиги билан биргаликда “Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш” ДУК бош лойиҳачи ва вилоят “Сувоқава” ДУК бош пудратчи ташкилот сифатида бириктирилди. Бугунги кунда лойиҳа ташкилотчиси томонидан малакали мутахассислар бириктирилиб, барча лойиҳалар бўйича лойиҳа-қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда Нурафшон шаҳридаги қуввати кунига 4 минг м<sup>3</sup> бўлган оқава сув тозалаш иншоотида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Энг муҳими, бугунги кунда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Тошкент вилояти канализация тизимлари ва сув тозалаш иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш учун хорижий компанияларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш тизими яратилган. Бу борада вилоятнинг Пискент ва Бўка туманлари марказларидаги кўп хонадонли уйларга Туркия давлатининг “Биоланд” компанияси томонидан канализация хизматлари кўрсатиш мақсадида қуввати кунига 20 м<sup>3</sup> бўлган локал оқава сув тозалаш иншооти ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Йиллар давомида ўз ечимини кутаётган масалалар бирин-кетин ҳал қилинмоқда.

**Ш.РАДЖАБОВ**